

ЗАМОНДОШИМИЗ

Хисса

Коммунист ишчи Н. Далибоев Тошкент экскаватор заводда қарийб 15 йилдан бери меҳнат қилади. Ана шу давр мобайнида у ишчилик шарафини эъзозлаб, коллектив орасида фидойилиги, ажирлиги, ўзига нисбатан талабчанлиги билан танилди. Мамлакат ҳалқ ҳужалиги учун гоёат зарур бўлган ишчи-пухта машиналарни ўз вақтида буюртмачиларга етказиб беришдек хайрли ишга ўзининг баракали ҳиссасини қўшди. Корхона конвейеридан чиқаётган янги-янги экскаваторлар ҳозирги кунда мамлакатимизнинг марказий ва шимолий районларида муваффақиятли ишлатилипти.

Корхонанинг пешқадам участкаларидан бири йиғув цехида хизмат қилаётган Н. Далибоевнинг анчагина шоғирлари бор. Улар ҳам ўз устозлари нздан бориб, кундалик ва ойлик тошпириқларини ҳар доим ортири билан бажаришпти, тенгдошларига ўрнак кўрсатишпти.

Суратда: Н. Далибоев.

М. НУРИДИНОВ сурати.

ПАРТИЯГА
ИМТИЁЗ УЧУН
КИРИЛМАЙДИ

Партия ташкилотларининг нуфузини пасайиб бораётганлиги, кишиларда партияга бўлган ишонч, ихлос, эътиқод сусайиб бораётганлиги кекса коммунист сифатида мени гоёат ташвишга солади. 37 йилдан бундан КИСС аъзосиман. Бир неча йил колхозда раис бўлиб ишлаганман. Ёшим — 65 да, ҳозир пенсиядаман. Аммо ишдан қолганим билан маҳалла, жамоатчилик юмуши билан бандман. Шунинг учун ҳар кунни одамлар орасида ўтказаман. Уларнинг дарди, ташвишидан, фикр-мулоҳазаларидан ҳамиша хабардорман, десам янглишмайман. Кейинги йилларда коммунистлар ўз мақсёларини бериб қўяётганлиги, ҳурмат-эътиборини йўқотаётганлиги, ҳатто уларнинг айримлари ўз хоҳишлари билан партия сафидан чиқаришни сўраб ариза бераётганлиги ветеран сифатида мени қаттиқ ташвишга соляпти.

Нега бундай бўляпти? Мен ўз хоҳиши билан партия сафидан чиққан содир бир коммунист билан суҳбатлашдим. У нима дейди дегн: «Коммунистнинг қадри қолмади. Бунинг устига КИСС Уставида айтилгандек, унга ҳеч қандай имтиёз ҳам берилмаган. Аъзолик бадални тўлаш, мажлисбозликдан тўйини. Ойлада ўн жомиз. Кунига биттадан кир совин ишлатамиз. У эса йўқ. Партия ташкилоти социал масалалар билан шугулланмайдн. Колхоз раиси ҳам, партия ташкилотининг секретари ҳам иш талаб қилади, холос. Турмуш-турмушини қандай ўтати дейишмайди. Ҳалққа нафти тегмаган ташкилотда туриб нима қиламан».

Бу гап мени ўйлантириб қўйди. Унга «Партияга фақат шахсий манфаатни қўзлаб кирмайдилик-ку?» дедим. У эса «Партияга фақат аъзолик бадални тўлаш учун ҳам кирмайдилик. Партия ташкилотларидаги адолат-сизликлар, расмийчиликлар, кўзбўямачиликлар, алдамчиликларга нима дейсиз?» деди.

Солиқ коммунистнинг кейинги гапларида қўйилган келди. Чиндан ҳам пок-назир динда қамолда олинган кишиларнинг ақсариат қисми партия аъзоси эканлиги ачинарли ҳол. Лекин мен бу ерда бошқа гапни айтмоқчиман. Партия сафидан чиқиб кетаётганларнинг кўпчилиги партияга райком ва шаҳаркомларнинг «разнарядка»си бўйича кириб қолган тасодифий кишилардир. Бундай коммунистлар партия ташкилотининг обрў-эътиборини кўтариш учун курашмайди.

Партиянинг обрўсига, бошланғич ташкилот секретари нуфузига салбий таъсир кўрсатаётган ана бир жиҳат борки, у турлидан-турли оқом ва райкомларнинг раҳбарлари билан тақалади. Ана шу партия комитетларининг секретарлари ва ҳатто оддий ходимлари ҳам колхоз ва совхозларда борганларида енгил аналло бошланғич ташкилот секретарларини эмас, балки ҳўжалик раҳбарини сўрайдилар, улар билан ишларини битириб кетавердилар. Бунинг мен колхоз правление-си раиси бўлганимда жуда кўп кузатганман. Бундай ҳол ҳозир ҳам давом этипти.

Парком секретарларини ташлаш ва сайлашда ҳам кўп камчиликларга йўл қўйилган. Айниқса, кейинги пайтларда тажрибасиз, партиявий ишда яхши билимидиган ёш коммунистлар секретарликка сайланиб қолмоқдалар. Улар кўпчиқа оғир ишнинг устида, енгил ишнинг остида бўлишга ҳаракат қиладилар. Партиявий ишни аъзолик бадаллари тўлаш-у йиғилиш ўтказишдан иборат деб билалар. Қабул қилинган қарорларнинг ижросини изчил назорат этиб бориш ва ижросига эришиш, кадрлар би-

МУҲОАМА,
МУЛОҲАЗА,
ИЗЛАНИШ

Партия ҳаётини қайта қуриш, иш усул ва услубларини янгилаш давом этипти. Бу сиёсий иш ижтимоий-иқтисодий соҳада ва кишилар қайфиятида аҳвол кескинлашган шартонда ўтмоқда. Кўпгина партия ташкилотлари жамиятда содир бўлаётган жараёнлардан оққалда қолганлиги сабабли танқид қилинмоқда. Жумладан, Самарқанд химия заводи партия ташкилотидан бўлиб ўтган давра суҳбатда коммунистлар қайта қуришда партиянинг етакчилик роли заифлашиб қолгани сабабини сўз билан иш орасида, омма билан партия орасида узил-кесил бўлаётганлигида эканлигини далил-нобатлар билан кўрсатиб беришди. Партия авангард сифатида олдинда бориши, олини қуриши ва бошқалардан кўпроқ иш қилиши кераклигини таъкидладилар. Бу им-

кониятлар бой берилиб қўйлаётганини ташвиш тугдирмоқда. Партиявий бурчи юксак даражада ҳис этишга асосланган онгли, ўр-тоқларча руҳда интизомни мустақамлаш тўғрисидаги масалани қатъиятлик билан ўртага қўйдилар. Ана шу давра суҳбати ҳақида газетанинг шу йил 1 август сонидида «Йўналиш» сарлавҳали мақола босилди. У кенг газетхонлар муҳокамасига сабаб бўлди. Редакция жойлардан қайта мақолага муносабат билдирибгина қолмай, шу билан бирга республика партия ташкилотлари фаолиятини қайта қуриш, унинг обрўсини тиклаш тўғрисида фикр ва мулоҳазалар айтилган кўплаб хатлар олмақда. Қўйида ана шу хатлардан айримларини эътиборингизга ҳавола қиламиз.

Авалло ўзим ҳақимда. Оддий ишчи — пенсионерман. Ишлаб чиқаришда 44 йил ҳалол меҳнат қилдим. Иш даврида бир неча йил партия комитети секретари, шаҳар партия комитети аъзоси қилиб сайланганман. Бироқ бу вазифалар партия ишидан кўнглимни совутиб юборди. Негаки, ана шу даврда айрим партия раҳбарларининг сўзда бошқа-ю амалда бошқача иш тутишининг ғувоҳи бўлганман. Шаҳар партия комитети секретарларидан оддий инструкторларгача партия ташкилотимизга бирон марта келишганини эслолмайман. Партия ташкилоти ҳаёти қандай борапти? Йиғилиш қарорлари ижроси амалга ошяптими, йўқми? Коммунистларнинг дардлари нималардан иборат? — Булар билан бирон марта ҳам шаҳарком секретарлари қизилқанлари йўқ. Улар учун йиғилишлар вақтида ўтиб, аъзолик бадаллари мудардига тўлангани тўғрисидаги маълумотлар белгиланган кунларда шаҳар партия комитетига келиб турса бас эди. Айтинчи, шаҳарком раҳбарларининг ишнн шу хилде ўзгаришларчиликка ташлаб қўйишганини кўрган партия ташкилоти секретари, коммунистларнинг ишдан кўнгли совумайдики!

Энди асосий масала ҳақида:

ҳозир қайта қуриш, ошқораланиб даври. Ҳар ким ўзини ўйлангнчи келтириб дедирин, агар у умумманфаватга мос келса, очик айтиши керак. Партия обрўсини тиклаш, унинг жанговарлигини, сафарбарлиги ролини мустақамлаш партия ишнн қайта қуришнинг туб мақсадидир. Аммо, бунга эришиш учун партия ҳаётининг кўп жиҳатларида жиддий ўзгаришлар ясаб зарур. Мен юқориди ана шу жиҳатлардан бирини айтдим, холос.

С. ЭРКАБОВ,
Партия ва меҳнат ветерани,
Қўқон шаҳри.

Мажлисбозлик, кабинетбозлик, қорғабозлик... Ҳалқ назарида партиянинг обрўсини тўқитиб бундай «бозликларга» қачон барҳам бериладики! Ахир ҳозир қайта қуриш, янгиланиш даври дейиш-у, амалда сира ўзгариш бўлмапти. Кичик бир мисол: совхознинг бош ижнелари ҳар кун марказий ремонт устaxonида «5 минутга» деб ҳаммаини кабинетга тўплайди-да, бир соат-деб мажлис ўтказиб, ҳар кун шу аҳвол. Совхоз идорасида ҳам, кўнглини ҳамма жойда ҳам шундай воқеа содир бўляпти. Иш шунга бориб етдики, ҳалқ бизни «мажлисбозлар» деб кесатидиган ҳам бўлди. Етар, бас энди, бунга куруқ гапбозлиги мажлисбозликларга барҳам берилади. Бўлмаса қайта қуриш ҳам гапбозликка айланиб қолади.

А. ҲОЛИҚОВ,
Наманган область Задарё райкомиди «Гигант» колхоз-механизатори ремонт устaxonи-си чех партия ташкилоти секретари.

Партиянинг обрўси бир жиҳатдан унинг раҳбарлари ҳақининг ташвиши билан қанчалар астойдил шугулланганига боғлиқ. Аммо обрўсимиздаги айрим раҳбарларда ана шу ҳис дегн айтишмайпти. Уларни ҳар томонлама ҳалқдан акрелиб қолдири, деб айтсам янгиланмайман. Тағйрида давлат машинаси, ёнда шахсий шофери, хизмат кўрсатадиган алоҳида магазин, махсус поликлиника ва касалоналар... Менинча балки булар раҳбарлар учун керакдир. Аммо ана шу раҳбарлар ҳам жуда бўлмаганда ҳафтада бир-икки марта ҳалққа хизмат кўрсатадиган магазинга келиб навбатда турариса, бу ерда нималар бор-у, нималар йўқлигидан ҳабардор бўлишга, оддий поликлиника ёки касалоналардаги аҳолини ўз қўзғари билан кўриб, шу ерда даволанишни ўларан қандай амалга оширилявганидан ҳабардор бўлишарди. Афсуски, мана шундай бўляпти-да...

Г. ТАШАНОВ,
Термиз шаҳри.

ХАТЛАРДАН
САТРАР

КИСС сёғига қабул қилин-шда юқориди «разнарядка» бериш кўзга кўринмас тарзда ошн-оғанинчилик, танқид-билишчиликка йўл очяпти. Бу усул — турғулик йилларидан ҳозирги даврга сиёз ўтаётган иллат. Унга барҳам беришмас экан, партияга қабул қилин-шда танқид-билишчилик давом эта-верди. Бу — ҳалқнинг кўз ун-гиди партия обрўсига путур етатверди демекдир.

Масаланинг иккинчи томони шундаки, разнарядка сабабли баъзи бошланғич партия ташкилотлари қисқариб тугаб бормоқда. Масалан мен ишлаган мактабда 1940—1950 йилларда кичи ўқитувчи КИСС аъзолигига қабул қилинган эди. Ҳозир, улар пенсияга чиқшган, янги аъзолар қабул қилинмаганили сабабли мактаб бошланғич партия ташкилоти тугатиб юборилди. Партия ташкилотисиз мактаб бўлишини даъво тасаввур этиш қийин. Аммо шундай ҳам бўларкан.

П. ҲАКИМОВ,
Дехқонобод райкомиди
Ф. Энгельс номи 5-ўрта мактабининг илмий бўлими мудири.

Партия ходими тез-тез одамлар орасида бўлиб, уларнинг эри-дағидида қўлоқ солиб, ёрдам берса, социал муаммолар ўз вақтида ҳал этилса унинг, умуман партиянинг обрўсига обрў қўйиларди. Афсуски кўнчиқа бундай амал қилинма-пти.

Ж. АҲМАДЖОНОВ,
Наманган шаҳар паркез тавомлар ошхонасининг ош-пази.

Н. Н. МЕЛЬНИКОВ, СССР Фанлар, академиксининг муҳ-бир аъзоси, «Қишлоқ ҳўжали-гини янгиланшини илмий асос-ларини бирлашган кенгаширинг раиси, «Агрохимия комплексни муаммоларни» секциясининг раҳбари.

Биз, химиклар ҳам атроф муҳит таъсирини қўлай-ми, шу борда янгилан-шди. Лекин, афсуски, кўпчилик мас-саланинг жоҳитини тушуинмай, бизни танқид қилипти. Вако-лонки, биз меҳрида оқватла-нишимиз, кийинишимиз, ўзи-мизга қўлай шартот яратиши-ми зарур, бироқ бу ишларни ҳозирги дунёда химиянинг ёр-демисиз қила олаймиз. Ҳам-маси оқилона бўлиш лозим.

— Николай Мельников, химияга қарши» ишларини фанга эмас, балки унинг ютуқларини қўйиланшида йўл қўйлаётган хатолонларга қарши чиқшяп-тими!

— Биз шунинг учун курашяп-миз. Қишлоқ ҳўжалик химия-вий моддаларини қўйилан-шда технологиясига риоя этилиши-ни талаб қилияпти. Бу дори-ларни далаларга ҳалдан ортиқ-сепиш керак эмас, балки нор-мага қатъий риоя қилган ҳол-да қўйилан-ш, амаллаб экиш-

иқфосланган. Чунки бу област-ларда саноатнинг рангли ме-таллургии сингари тармоқлари шубҳа билан ишломқда.

Биз экология ҳариталарини тузиш ҳақида тақдир қирит-дик. Бундан ўй йил муқаддам Ўзбекистоннинг бутуфос билан ҳам даражада булганганлигини кўрсатувчи ҳарита тузишга уриниш бўлган эди, биз ўша ҳаритани қўрдик. Лекин у ҳо-зир эскириб қолган. Бошқа заҳри қотил, нитратлар оғир ме-таллар бўлиша бундай борлигини таҳлил этиш усул-ларини ўрганишимиз.

Секциямиз мажлисларида регионал экология масалалари-га, масалан, Қола ярим ороли, Полатова ва мамлакатимиз бош-қа областларидаги экология масалаларида кўп эътибор бе-рилди.

— Урта Осиёда, жумладан, Ўзбекистонда шундай муаммо-лар хусусида нима дея ола-сиз!

— Бу ерда ўсимликларни химоя қилишда химиявий во-сита-лардан жуда кенг фойда-ланилади. Тўғрикида заҳар қўй-буган дефолентлардан са-ватчи-ларча фойдалан-ш сиз ва тупроқни иқфослан-шга олиб келди. Бундан ташқари регионодаги бир қанча област-лар оғир ме-таллар ҳисобига

ЖОНЛИ ИШГА
БУРИЛИШ

Район партия комитети-нинг навбатдаги кўчма йиғи-лишини Энгельс номи кол-хоз бошланғич партия таш-килотига ўтказадиган бўл-ди. Унга тайёарлиги жа-равенда комитет аъзолари

ХИМИЯ ВА ЖАМИЯТ

XIV МЕНДЕЛЕЕВ СЪЕЗДИДА

Умумий ва амалий химия бўйича Тошкентда ўз ишнн да-вом эттираётган XIV Менделеев съезида химия фани турли йўналишларининг муаммолари қараб чиқилмоқда. Секциялар-нинг мажлисларида бир қанча докладларнинг муҳокамаси ўткр музокара-ларга айланиб кетмоқда. Съезд донрасида «Кислота ёғиллари ва уларнинг олдин олин-ш», «Азотли ўғитлардан фойдаланишнинг экологик оқибатлари ва уларни бартараф этиш йўллари», «Химия таълими муаммолари» ва бошқа мавзуларда давра суҳбатлари ўтказилди.

УзТАГ муҳбирлари баъзи секцияларнинг раҳбарларидан съездда қилинган ишлар тўғрисида сўзлаб беришни илтимос қилишди.

Ю. А. ЗОЛотов, академик, СССР Фанлар академиксини уму-мий ва неорганик химия инс-титутининг директори, «Химия ва экология» секциясининг раис-и.

— Химиянинг атроф-муҳитга таъсири муаммоси сўнгги вақтларда кескин тус олди. Расмий ва норасмий ҳаракат-лар янги химия корхоналари қури-лишига қаттиқ қаршиллик кўрсатилмоқда, мажбур кор-хоналарни ёпиб қўйишни талаб

этишмоқда. Лекин бундай та-лаблар ҳамма вақт ҳам ўзини оқловмайди.

Секция оқава суварини то-залаш, атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш каби масала-ларни, шу мақсад йўлидаги янги самарали жараёнларни қараб чиқмоқда. Олимлар янги ишланмаларни тақдим этишди, улар зудлик билан жо-рий этилиши зарур.

Биз атроф муҳитни назорат этишни ташкил қилиш бора-

давом эттираётган XIV Менделеев съезида химия фани турли йўналишларининг муаммолари қараб чиқилмоқда. Секциялар-нинг мажлисларида бир қанча докладларнинг муҳокамаси ўткр музокара-ларга айланиб кетмоқда. Съезд донрасида «Кислота ёғиллари ва уларнинг олдин олин-ш», «Азотли ўғитлардан фойдаланишнинг экологик оқибатлари ва уларни бартараф этиш йўллари», «Химия таълими муаммолари» ва бошқа мавзуларда давра суҳбатлари ўтказилди.

УзТАГ муҳбирлари баъзи секцияларнинг раҳбарларидан съездда қилинган ишлар тўғрисида сўзлаб беришни илтимос қилишди.

Ю. А. ЗОЛотов, академик, СССР Фанлар академиксини уму-мий ва неорганик химия инс-титутининг директори, «Химия ва экология» секциясининг раис-и.

— Химиянинг атроф-муҳитга таъсири муаммоси сўнгги вақтларда кескин тус олди. Расмий ва норасмий ҳаракат-лар янги химия корхоналари қури-лишига қаттиқ қаршиллик кўрсатилмоқда, мажбур кор-хоналарни ёпиб қўйишни талаб

Дўстлик байрами: ТОМЕНЬ-ТОШКЕНТ

Тошкент област партия комитетига бўлиб ўтган ке-на-гаида 23-27 октябрь ку-на-лари Тошкент областида ўт-казил мулкаланган Тюмень обла-сти адабиёт ва санъат

кунларини ташкил этиш масалалари муҳокама қи-линди. Ана шу дўстлик ва қардошлик байрами про-граммаси батафсил кўриб чиқилди.

(УзТАГ).



Пойтахт меҳмонлари

Шу кунларда Американинг Тошкент билан биродарлашган шаҳри Сентлдан келган бир гуруҳ меҳмонлар Ўзбекистон пойтахтининг диққатга сазовор жойларини қизиқиб қўздан кечирмоқдалар. Меҳмонлар орасида Сентлдан архитектура ва шаҳар қурилиш коллежининг ўқитувчилари ва студентлари бор.

Сентлдан меҳмонларнинг бу ташрифи Буннинг номиди Тошкент политехника институтини билан Вашингтон университети

ўртасида тузилган шартномадан сўнг амалда охиридаги дастлабки тадбирдир.

Меҳмонлар пойтахтда бўлган чоғларида архитектура ва лойҳалаш институтларида бўладилар. Ўзбекистон архитекторлари билан учрашув ўтказадилар, шаҳарнинг янги қурилишларида ва бошқа жойларида бўладилар. Делегация аъзоларининг кўзда тутилган асосий мақсади Тошкент политехника институтининг архитектура факультети студентлари ва ўқитувчилари билан мунтазам равишда алоқа қилиб туришдан иборатдир.

Суратда: сентлдан меҳмонлар шаҳар билан танилмоқдалар.

В. МИЛЕНЬКИЙ сурати (ТАСС).

ЎДГОРЛИК УЧУН КОНКУРС

Самарқандда қуриладиган Улуғбек меъморилик-ўдгорлик комплекси қандай бўлиши керак? Етакчи совет архитекторларининг Оғажоннинг халқаро меъморилик фонди намоёндалари билан учрашувда шу масала муҳокама қилинди. Фонд халқ Шарқ меъморилик анъаналари руҳида бажарилган меъморилик объектлари қурилиш энг ахши лойҳаларини рағбатлантиришни ўзига мақсад қилиб қўйган.

Самарқандда бўлиб ўтган кўшма мажлисда келгуси йилнинг бошларида ўдгорлик комплексининг энг ахши лойҳаси учун халқаро конкурс ўтказишга қарор қилинди. Конкурсни икки босқичда ўтказиш белгиланди. Биринчи босқичда глобл чиққан бешта лойҳага Оғажон фонднинг мунофотлари берилди. Иккинчи босқичда совет ва хорижий архитекторлардан иборат жюри томонидан аниқланди. Мана шу глобл ўз лойҳасини амалда рўёбга чиқариш ҳуқуқини олди.

Комплексе қуриладиган жой аниқланди. Регистрон меъморилик ансамблига тўла территория танлаб олинди.

Самарқандлик архитекторлар конкурсни ўтказиш

учун зарур илк материалларни тайёрлашга киришдилар, деди шаҳарнинг бош архитектори Н. Содиқов. Самарқанд тарихий қисмининг муфассал плани, шаҳар транспорти ва инженерлик коммуникацияларининг схемаси, қурилиш жойининг фотосурати шу жумлага кирди. Чунки ўдгорлик қурилиш бўлган зона ўрта асрларда Самарқанд барпо этилган даврда шаҳар қўргонини, бозорларни, жамоат биноларини ўз ичига олган эди. Бу эса туристларнинг эҳтиёжларини ўзига тортади.

ЮНЕСКОнинг қарорига биноан, халқаро жамоатчилик 1994 йилда Улуғбек тутилган кунининг 600 йиллигини нишонлайди. Унинг ўдгорлигига Улуғбек музейи, қадимий қўлсизмалар кутубхонаси, Ўзбекистон академиясининг ахборот маркази, янги расадхона, халқ иқодиёти ва амалий санъат мактаби, фестиваллар майдони, бир неча зал ва ёзги театрдан иборат томошахона кирди, деб мўълалланди.

Халқаро жюри конкурснинг биринчи турини 1990 йилнинг октябрида якунлади.

(ЎЗАТГ мухбири).

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

АНДИЖОН ДАВЛАТ МЕДИЦИНА

ИНСТИТУТИ

кафедралар бўйича

ВАКАНТ ВАЗИФАЛАРГА

КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Мудирлар: умумий ва биоорганик химия (химия) фанлари кандидати, доцент, химия фанлари доктори, профессор;

доцентлар: медицина ва биологик физика, информатика (медицина аппаратураси билан бирга), фармакология, социал гигиена ва соғлиқни сақлашни ташкил этиш (медицина тарихи ва АСУ билан бирга), оператив хирургия (анатомия билан бирга) психиатрия, медицина психологияси ва наркологи, педиатрия факультетининг субординатура, 1-даволаш факультетининг клиник фармакология курси билан бирга субординатура, педиатрия факультетининг касалликлар пропедевтикаси билан бирга ички касалликлар, травматология ва нейрохирургия билан бирга ВПХ ортопедияси, неврология ва медицина генетикаси (фан кандидатлари);

катта ўқитувчилар: вирусология ва иммунология билан бирга микробиология;

курс катта ўқитувчилари: врачлар малакасини ошириш факультетининг социал гигиена ва соғлиқни сақлашни ташкил этиш;

ассистентлар: медицина биологияси ва генетикаси (0.5), биологик химия (3.5), нормал физиология, фармакология (1.5), патологик анатомия, патология физиологияси (2.5), социал гигиена ва соғлиқни сақлашни ташкил этиш (медицина тарихи ва АСУ билан бирга) (0.5), анестезиология, реаниматология ва интенсив терапия (0.5), субординатура ва онкология курси билан бирга госпиталь хирургияси (2.5), даволаш факультетининг педиатрия (1.5), врачлар малакасини ошириш факультетининг педиатрия (1.5), даволаш факультетининг беморларни ялли парваришлаш билан бирга умумий хирургия, даволаш факультетининг эндокринология курси билан бирга госпиталь терапия (0.5);

ўқитувчилар: совет ҳуқуқи билан бирга сиёсий иқтисод (1.25), жисмоний тарбия ва саломатлик (2).

МАРКАЗИЙ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ЛАБОРАТОРИЯСИ

1-группа — экспериментал моделлаштириш ва патология жараёнларининг экспериментал терапияси: кичик илмий ходим;

2-группа — биохимия ва иммунология: катта илмий ходим (раҳбар), кичик илмий ходим.

ВУШ ЛАВОЗИМЛАРГА:

мудирлар: совет ҳуқуқи билан бирга сиёсий иқтисод (иқтисод фанлари кандидати, доцент, иқтисод фанлари кандидати, профессор); рентгенология ва радиация медицина (медицина фанлари кандидати, доцент, медицина фанлари доктори, профессор), КИСС тарихи (тарих фанлари кандидати, доцент, тарих фанлари доктори, профессор), неврология, медицина генетикаси (медицина фанлари доктори, профессор), офтальмология (медицина фанлари кандидати, доцент, медицина фанлари доктори профессор);

профессор: нормал физиология (медицина фанлари доктори, профессор).

КОНКУРС МУДДАТИ — ЭЪЛОН ЧИҚҚАН КУНДАН ВОШЛАБ БИР ОЙ.

Адрес: Андижон шаҳри, Навоий проспекти.

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА

16 сентябрь соат 20.00 да,
17 сентябрь соат 17.00 ва 20.00 да

ЛЕНИНГРАД ДАВЛАТ «БЕНЕФИС» ТЕАТР
СТУДИЯСИНИНГ

ГАСТРОЛАРИ

КАТНАШАДИЛАР:

«БИС» ШОУ ГРУППАСИ

ОЛЬГА ДОМУШУ, ЕЛЕНА ГАГАРИНА

Бутуниттифоқ конкурснинг лауреати ГЕННАДИЙ ТКАЧЕНКО.

Бутуниттифоқ конкурснинг дипломанти ГЕОРГИЙ ПИЦЕЛАУРИ, ВАДИМ КАРЕВ, ДМИТРИЙ ШУШЕРКО.

ПРОГРАММАДА:

«ФАВКУЛОДДА ХОДИСА»

Постановка режиссёрлар — А. МИРОЧНИК, Б. УВАРОВ.

Театр студиясининг бадий раҳбари — РСФСРда хизмат кўрсатган артист

МИХАИЛ БОЯРСКИЙ

Касса соат 10 дан 20.00 гача очик.
Справклар учун телефонлар — 44-29-04, 44-35-91, 44-35-84.

Театр

«ТАШСЕЛЬМАШ»

ИШЛАБ ЧИҚАРИШ

БИРЛАШМАСИ

загналайдиган, тез қирқувчан бўлат ва қаттиқ қўямдан тайёрланган берча турдаги буюмларни, шу

жумладан арзонлаштирилган баҳоларда тиш короналарини вакуум-плазма усулида буюмларнинг сиритига интртитан қопламаси юргизиш беради.

Қоплама юксак даражада чидамлиги, 900 фонз нав тилла туси бериши ва кимёвий таъсирларга чидамлиги билан акрилли турлади.

Мурожаат учун адрес: 700048, Тошкент шаҳри, Сельмаш кўчаси 2-й, ЛУТ (13-трамвай, 16, 28, 30, 48, 72, 80-автобусларнинг «Ташсельмаш» бекати, метронинг «Ташсельмаш» станцияси).

Телефон — 68-06-29.

НАВОИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 16/IX да Маскарабозлар (19.00), 17/IX да Гузал Вазелия (12.00), Дон-Карлос (19.00).

Ўзбекистон ССР «ФАН» нашрияти ва «Фан ва турмуш» журнали редакцияси ходимлари журналистнинг бўлим редактори Р. Обидовга онаси

Турсуюн

АХМЕДОВНИНГ

вафот этганлиги мубошабати билан чуқур таъзия наҳор қилади.

Ўрта Осиё давлат машина синаш станцияси коллективия станция директори Э. Х. Эгамбердиевга отаси

Хайдаркул

ЭГАМБЕРДИЕВНИНГ

вафот этганлиги мубошабати билан чуқур таъзия наҳор қилади.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриятининг Махнат Қизил Байроқ ордени билан бошқарилади, 700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

Газета офсет усулида, А-2 форматда босилади.

ҚАДИМИЙ МАМЛАКАТ САНЪАТИ

Тошкентликларга ва пойтахт меҳмонларига Кореянинг манзарали-амалий санъати билан таништириш имконияти берилди. СССР Халқлари дўстлиги музейида КХДР халқ усталари асарлари инсталляциясига очилди.

Виставкада Шарқнинг қадимий маданиятига хос бўлган анъанавий тасвирий санъат асарлари, сопол ва ёрочдан тайёрланган буюмлар, сўзана-лар билан бир қаторда билимнинг турли соҳаларига оид 240 тедан ортиқ китоб, шунингдек бадий адибнинг номиди кинимокда. Фотосуратлар республика ташкил топган кундан бери ўтган 41 йил давомида у эришган утуқларини акс эттирди.

Хар йили биз виставка-мизни жамондаги 30 дан ортиқ мамлакатга намоиш қиламиз. Виставка ҳамма жойда эҳтиёт муваффақият қозонади, дейди КХДР виставкалар, китоблар, фото ва амалий санъат буюмлари ишлари бош бошқармаси бўлимининг бошлиғи Ли Ен Сун. — Биз Ўзбекистон ССР Маданият вакиллари ва Корея маданияти марказининг тузиш ташкилот комитетининг таълифига биноан республикага келдик. Ўзбекистонлик санъат мухлислари мамну бўладилар, деган умиддамиз. Хар ҳолда шундай бўлишини жуда истардик.

Виставка ой охиригача давом этади. Бу ерда ўзингизга манзур бўлган хар қандай экспонат—эсдалик буюмининг харид қилишингиз мумкин.

(ЎЗАТГ).

Спорт

КУРАШ:

СОВРИНЛИ УРИНЛАР

Эстониянинг Тарту шаҳрида мамлакатимиз ва социалистик давлатларнинг спортчилари ўртасида классик кураш бўйича беллашувлар ўтказилди. Мусобақада 200 дан ортиқ ўсмир ўзаро беллашди. Курашга пухта ҳозирлик қўрган Бухоро технология институтининг Т. Гуломов бошлиқлигидаги полковники муваффақият қозонди. Жумладан, Бобир Мавлонов курашнинг финалгача кўтарилган рунда ўтказиб, халқ қилувчи баксада ҳам етказиб қозонди. Унинг тенгдошларида ҳам Жамол Бозоров билан Камол Муродовлар кумуш медалли бўлишди.

ДЭЮДО:

ГОЛИБЛИК СУПАСИДА

Владимир шаҳрида айёллар ўртасида «Россия олтин халқаси» соврини учун бутуниттифоқ турнири ўтказилди. Голлиблик супасига кўтарилганлар орасида чирчиқли О. Панфилова ҳам бор. Мусобақа давода айёллар ўртасида ҳам оммавийлаштириш борёётганини кўрсатди.

ЧИМ ХОККЕЙ:

МАВКЕНИ МУСТАҲКАМЛАБ

Айёллар олий лига командалари икки гурупада мамлакат чемпионатининг дастлабки давраси ўйналарини якунлашди. Энди кучли олтиликни ташкил этган коллективлар чемпионатининг совринли ўйналарига даъвогарлик қиладилар. Эркинлар командалари ўртасида эса 23 ўйндан кейин Олмаота динамочилари 42 очко билан пешқадамлик қилишмоқда. Москванинг «Илли» командасида 40 та очко бор. Свердловск армиячилари 39 очко билан учинчи бўлиб туришди. Андижоннинг «Звезда» коллективия 29 очко билан 7-ўринда бормоқда. Фарғонанинг «Химик» хоккейчилари эса бугунгача 26 ўйин ўтказиб, биронта ҳам очко ололмади, мухлисларни рағбатлантирмоқда.

ХОККЕЙ:

БИРИНЧИ МАВЛУБИЯТ

Канаданинг профессионал командалари мамлакатимиз хоккей коллективлари билан ўртоқлик учрашувлари ўтказмоқдалар. Воскресенскнинг «Химик» коллективия «Калгари Флэймз» хоккейчиларини қабул қилиб (2:4) имкониятни бой берди. Бугун «Соколи» хоккейчилари навбатдаги учрашувни ўтказадилар.

Лекин унинг қувончлари 1986 йилнинг 27 февралда азага айланди. Уша кун кичик ўғли Бахтиёр йўқолиб қолди. Келинининг айтишича, Бахтиёрни анчадан бери қандайдир шубҳали шахслар кузатиб юрган экан. Шу боисдан у қаттиқ хавотирга тушди. Восиқ ака ўғлининг ҳеч қандай қора ишларга алоқаси йўқлигини биларди. Иш жойига, қариндош-уруғларга, ўртоқларига, қўйини, миллициягача хабар қилиб, бир ҳафта мобайнида ҳеч қандай жавоб ололмади. Умр йўлоши бу мусибатдан ўзини тамом йўқотиб қўйди. У кеча-кундуз ярач нозоратида бўлди. Оғир аҳволда қолган В. Маннонов ва унинг оила аъзолари ёру дўстлар ердами бир неча кун давомида ертўлалар, каналлашга қўдлар, анҳорлар, ҳатто, мурдаҳоналарни ҳам бирма-бир қараб чиқишди.

Шу воқеадан сал олдин Калинин район прокуратурасида ишлаган Бахтиёрни республика прокуратурасига таълиф қилиб, уни муҳим ишлар бўйича тергов группасида ишлатишга тавсия қилди. О. Маннонов Бахтиёрнинг қамонда эканлигини айтди. Кейинчалик маълум бўлишича, Бахтиёрни қамонда олиш ҳақидаги ҳужжатга ҳам шахсан О. Гайдановнинг ўзи қўйган экан. Қонда бўйича бу воқеани у оила аъзолари га бир кун ичида маълум қилиши керак эди. Орадан кўп ўтмай О. Гайданов Мэлсини ҳузурига чакриб, ишдан бўшаш ҳақида тезда аризе ёзиши кераклигини айтди. Бундан аввал В. Маннонов республика прокуратурасидаги аввалги лавозимидан «Ота-ўғил бир жойда ишлаш тўғри келмайди», — деб шаҳар прокуратурасига ўтказишди.

Бахтиёрнинг ҳеч қандай гуноҳи йўқлиги сал кам бир йилдан сўнг аниқланди. Ноҳақ ўтирган учун унга 4320 сўм пул тўланди. Шунингдек, у КПСС сафига ҳам тикланди. Лекин бу тўлов пули қилгиллини қилган

• Очиқчасига гаплашайлик

ҚИСМАТ

О. Гайданов, Н. Артомонов, В. Лаптевларнинг чўнтагидан эмас, давлат ҳисобидан берилди. Бу ҳам майли, нега улар ҳозиргача тегишли жазосини олмади, ҳаминан қил сугурганди республикада жўнаб кетишди? Қолаверса Манноновларнинг маънавий ҳўрлангани ва жабрлангани учун ким жавоб беради?

Бошлангич тергов материалларига кўра, В. Маннонов ўз вазифасини суиниет-мол қилгани ҳолда, ўзи тергов қилаётган жиноий ишдан икки нафар гувоҳнинг кўргазмаларини йиртиб бошқатдан уларнинг фойдасига сўроқ протоколлари тузган, — деб айбланган.

Аслида эса уларнинг нияти бошқача эди. Чунки протоколлар делодан йўқотилмаганди.

Манноновлар воқеасига тегишли ҳужжатларнинг ҳаммасини тўпласангиз бир арава юк бўлади. Бир йил мобайнида шунча қороз қораланишга одам болсининг аяли бовар қилмайди. Ахир, одамни ноҳақ қоралашнинг ўзи бўладими? Буларни ўйган киши буюрқатик услуб ва одамларни менсимай иш юритиш қарда эканлиги билли олшини қийин эмас. Прократура, суд ва тергов органларидаги маҳкамачи «робот» ака ва опалар қандай ишлаганига қойил қолмас.

Айбланувчи Бахтиёр Маннонов ўзининг ноҳақ тергов қилингани ва ноқонуний аълобанишлари ҳақида қўлдан-қўл жойларга ва масъул раҳбарларга, жумладан Тошкент қамонхонаси тергов

Ноҳақликларга судья Ю. Иброҳимов раислигида бўлиб ўтган иккинчи судлов хотима берди. Яъни адолат қарор топди.

Батамом оқлашдан қўрмадигини? — сўраймиз Тошкент шаҳар суди аъзоси Юсуфжон Иброҳимовдан.

— Биласизми, қонун олдида ҳамма баробар. Суднинг вазифаси оқин оқ, қорани қора деб исботлашдан иборат. Ҳақни ноҳақча чиқарсан, бунинг учун жавоб берамиз.

— А. Ниятов раислигида ўтган биринчи суд ҳукми...

— Мулла билганини ўқийди. Ҳақмасимизнинг ўша пайтдаги ҳолатини ҳам тушунишингизни ҳоҳлардим.

— Нима, судга бирор жойда таъйиқ бўлганми?

— Буни ўртоқ А. Ниятовдан сўраб биласиз. Ўзимга келганда прокуратуранинг айрим собиқ ходимлари, хусусан, О. Гайданов, В. Лаптев, Н. Артомоновнинг таълиф ва таъйиқидан яқин кунларгача қутулмадим. Шунинг таъжжубларлики, маъкур иш сабаб бўлиб, судьялик фаолиятини бошдан-оёқ тафтиш қилишди. Ҳеч иш чиқармагача, дўқулпига ва ҳақоратлашгача бориб етишди. Чунки мен Маннонов ишга қадар Шоҳидов, Хоҳловани ҳам суд залидан очикча чиқарганим. Уларнинг ҳаммасига О. Гайданов текшириб қўрмадан санкция берган эди.

— Ҳукмдан ташқари, ажрим ҳамда шахсий ажрим ҳам чиқарибсиз. Уларни Иттифоқ ва республика про-

ходимлари инсон ҳаёт-мамнати ҳал қиладиган бу муҳим ҳужжатларни ўқиб учун вақт топа билмаган бўлсалар?

Манноновлар ўз қонуний ҳақ-ҳуқуқини талаб қилиб, тегишли жойларга кетма-кет аризалар ёзишди, лекин уларнинг ҳақмасига бир хил юзакли жавоблар олинди. Мана шулардан бириси:

«В. Манноновга Прократура органларига қайта ишга тикланишингиз ҳақидаги аризангиз қўриб чиқилди. Сиз Тошкент шаҳар прокуратураси умумий назорат бўлими бошлиғи вазифасидан ўз аризангизга кўра, хоҳишингизга биноан (?) бўшагансиз. Прократура органларида бўш ўрин бўлмаганини туфайли шиз билан таъминлашингиз имкони йўқ.

Ўзбекистон ССР прокурори ўринбосари адлия катта маслаҳатчиси

П. Г. КУШНИР.

1. 06. 88».

Хурматли газетхон! Ҳўш, республика ҳуқуқ-тартибот органларида ўзи нималар бўляпти?

Бошқа гапларни қўйиб турайлик-да, мақоламизнинг битта қаҳрамони — Бахтиёр Манноновга нисбатан қилинган ҳақсизликлар тўғрисида батафсилроқ тўхталайлик.

Воқеа шундай бўлган. Манноновлар оиласи (юқорида айтганимиздай) эни, хонадон эди. Ота изидан борган икки ўғил ҳам иқтидорли ҳуқуқшунослар

реставрацияга юборгандирсиз?

— Ҳа, лекин улар натижасиз қолгандан кейин қандай наф бор. Қилгиллини қилиб қўйганлар фақатгина ҳозир бошқа жойларда ишлаш-япти.

Суд ҳукми, ажрим, шахсий ажрим ва Иттифоқ ҳамда республика ҳуқуқ органлари қонуний чора қўриши сўраб юборилган ҳужжатларни қайта-қайта қўздан нечира-рамиз. Наҳотки, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг

қурулураларига юборгандирсиз?

П. Г. КУШНИР.

1. 06. 88».

Хурматли газетхон! Ҳўш, республика ҳуқуқ-тартибот органларида ўзи нималар бўляпти?

Бошқа гапларни қўйиб турайлик-да, мақоламизнинг битта қаҳрамони — Бахтиёр Манноновга нисбатан қилинган ҳақсизликлар тўғрисида батафсилроқ тўхталайлик.

Воқеа шундай бўлган. Манноновлар оиласи (юқорида айтганимиздай) эни, хонадон эди. Ота изидан борган икки ўғил ҳам иқтидорли ҳуқуқшунослар

Мухаррир

У. УСМОНОВ.

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ» («Советский Узбекистан») Орган ЦК Компартия Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР

БИЗНИНГ АДРЕС:

700063, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

БҲЛИМЛАР: партия турмуши — 33-34-69, 32-53-97, 32-57-19, пропаганда — 32-55-70, саннат, қурилиш ва транспорт — 33-47-80,